



2019 йил "05" 04

Вобкент тумани

2114 -сон

**Вобкент туманидаги кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни,  
шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис  
пунктлари асбоб-ускуналарини йиллик техник  
кўриқдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 25 апрелда 2452-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Вобкент туман бўлими (А.Джўраев) тумандаги тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиб, доимий рўйхатдан ўтган техникаларни йиллик техник кўриқдан ўтказиш ишларини ташкиллаштиради.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Вобкент туман бўлимида рўйхатдан ўтган техникалар йилда бир марта техник кўриқдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан:

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналарга — 0,18;

кишлоқ хўжалиги машиналарига — 0,10;

машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарига — 0,37 миқдорда йиғимлар ундирилсин.

Техник кўриқдан ўтказиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат, техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги инспекцияга тақдим этилади.

3. Техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага;  
техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссия раиси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Вобкент туман бўлими (А.Джўраев):

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахслар (мулкдор)га техникаларни техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборилишини;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатмалар берилишини;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган тақдирда ҳамда кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, саклаш, ҳисобдан чиқариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш учун туман ҳокимлигига юборилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор “Вобкент ҳаёти” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

7. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Вобкент туман бўлими бошлиғи А.Джўраев зиммасига юклатилсин.

Вобкент тумани ҳокими



Б.Бафоев